

## МАККАЖЎХОРИ НАВЛАРИНИ ДОН ВА СИЛОС ҲОСИЛДОРЛИГИГА ГЕРБИЦИДЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Сайфуллаева Назокат Қобилжонова  
Наманган муҳандислик технология  
институтининг ассистенти

### Аннотация

Ушбу мақолада маккажўхори етиштиришда биринчи навбатда унинг донидан юқори ҳосилдорлик олишга қаратилган. Бунинг учун барча мавжуд агротехник тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги, замонавий интенсиф деҳқончилик қилишда қишлоқ хўжалиги экинлари орасида учрайдиган бегона ўтларни йўқотиш асосий тадбирлардан эканлиги ёритилган. Маккажўхоридан юқори ҳосил олишда қўлланилган гербицидларнинг таъсири ўрганилган.

**Калит сўзлар:** гербицид, препарат, бегона ўтлар, маккажўхори, ҳосилдорлик, силос, дон, самарадорлик.

Барчага маълумки, қишлоқ хўжалиги экинларини парваришlash ва юқори ҳосил етиштиришда қўлланилган агротехник тадбирларнинг самарадорлиги олинган ҳосилнинг салмоғи ва ҳосил сифати билан баҳоланади.

Биз ҳам тадқиқот олиб борган йиллари маккажўхорининг дурагай NS 205 F1 FAO 190 ва тезпишар Кубанская консервная-148 навларини асосий экин сифатида экиб етиштиришда бегона ўтларга қарши кимёвий усулларда кураш тадбирларини олиб боришнинг дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш мақсадида вариантлар ва қайтариқлар кесимида ҳисобга олиш ишларини олиб бордик.

Дон ҳосилдорлиги бўйича олинган натижаларнинг кўрсатишича, маккажўхорининг NS 205 F1 FAO 190 дурагай нави уруғларини экиш билан бирга бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилмаган назорат 1-вариантда дон ҳосилдорлиги уч йилда ўртача 35,3 ц/га, селос ҳосилдорлиги 200,0 ц/га ни ташкил этганлиги кузатилган бўлса, уруғ экиш билан бирга Стомп (эталон) гербициди 4,0 л/га меъёрида қўлланилган 2-вариантда уч йилда ўртача дон ҳосилдорлиги 95,3 ц/га, силос ҳосилдорлиги 620,3 ц/га ни ташкил этиб, гербицид қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан дон ҳосили 60,0 ц/га, силос ҳосили 420,3 ц/га, уруғ экиш билан бирга Супер стопп 33% эм.к. гербициди 3,0-6,0 л/га меъёрларда қўлланилган 3-4 вариантларда ҳосилдорлик кўрсаткичи ўрганилганида дон ҳосилдорлиги 98,3-96,3 ц/га, силос ҳосилдорлиги мос равишда 630,7-625,7 ц/га ни кўрсатиб, бегона ўтларга қарши



гербицид қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан дон ҳосили 63,0-61,0 ц/га, силос ҳосили 430,7-425,7 ц/га гача юқори бўлганлиги аниқланди.

Маккажўхорининг тезпишар Кубанская консервная-148 нави уруғларини экиш билан бирга бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилмаган назорат 9-вариант таҳлил қилинганда, дон ҳосилдорлиги 31,0 ц/га, силос ҳосилдорлиги 198,3 ц/га ни ташкил этган бўлса, уруғ экиш билан бирга Стомп (эталон) гербициди 4,0 л/га меъёрида қўлланилган 10-вариантда дон ҳосилдорлиги 92,7 ц/га, силос ҳосилдорлиги 619,0 ц/га ни ташкил этгани ҳолда уруғ экиш билан бирга гербицид қўлланилмаган назорат 9-вариантга нисбатан дон ҳосили 61,7 ц/га ва силос ҳосили 420,7 ц/га, уруғларни экиш билан бирга бегона ўтларга қарши Супер стомп, 33% эм.к. гербициди 3,0-6,0 л/га меъёрларда қўлланилган вариантлардан 94,7-93,7 ц/га дон ва 625,3-616,3 ц/га силос ҳосили олинганлиги аниқланиб, уруғ экиш билан бирга гербицид қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 63,7-62,7 ц/га дон ва 427,0-418,0 ц/га силос ҳосили қўшимча равишда олинганлиги қайд этилди.

Маккажўхори навларини ўсув даврида бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилган вариантларда етиштирилган ҳосил миқдорлари аниқланганида ҳам юқоридаги қонуниятлар ўз исботини топганлиги кузатилиб, бегона ўтларга қарши курашнинг самарадорлиги юқори бўлганлиги аниқланди.

Жумладан, маккажўхорининг NS 205 F1 FAO 190 дурагай навини 2-3 барг чиқариш даврида бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилмаган назорат 5-вариантдан уч йилда ўртача 34,3 ц/га дон ва 190,3 ц/га илос ҳосили олинганлиги аниқланган бўлса, 2-3 барг чиқариш даврида бегона ўтларга қарши Миладар дуо к.с. (эталон) гербициди 1,2 л/га меъёрида қўлланилган 6-вариантдан ўртача 98,7 ц/га дон ва 626,7 ц/га силос ҳосили олинганлиги аниқланиб, бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилмаган назорат 5-вариантга нисбатан дон ҳосили 64,4 ц/га, силос ҳосили 436,4 ц/га, маккажўхори ўсимликларининг 2-3 барг чиқариш даврида бегона ўтларга



1-жадвал Маккажўхорининг дон ва силос ҳосилдорлигига гербицидларни қўллаш муддатлари ва меъёрларининг таъсири

№	Макка - жўхори навлари	Қўллаш усуллари	Гербицид турлари	Қўллаш меъёрлари	Дон ҳосилдорлиги, ц/га			Ўртача	Силос ҳосилдорлиги, ц/га			Ўртача
					2018	2019	2020		2018	2019	2020	
1	NS 205 F1 FAO 190	Уруғ экиш билан бирга	Гербицидсиз (назорат)	-	33,2	34,0	38,8	35,3	197	199	204	200,0
2			Стомп (эталон)	4,0 л/га	94,7	95,3	96,0	95,3	618	619	624	620,3
3			Супер стомп, 33% эм.к.	3,0 л/га	97,2	98,1	99,7	98,3	629	629	634	630,7
4			Супер стомп, 33% эм.к.	6,0 л/га	96,4	95,0	97,6	96,3	624	624	629	625,7
5		Ўсув даврида (2-3 барг чиқарган вақтида)	Гербицидсиз (назорат)	-	33,5	34,9	34,5	34,3	188	189	194	190,3
6			Миладар дуо к.с. (эталон)	1,2 л/га	97,5	98,3	100,2	98,7	625	625	630	626,7
7			Элюмис 105	1,0 л/га	102,7	99,6	101,6	101,3	628	629	634	630,3
8			Элюмис 105	2,0 л/га	99,2	100,1	101,7	100,3	624	624	629	625,7
9	Кубанская консервная-148	Уруғ экиш билан бирга	Гербицидсиз (назорат)	-	32,7	29,0	31,2	31,0	196	197	202	198,3
10			Стомп (эталон)	4,0 л/га	94,1	92,8	91,3	92,7	616	619	622	619,0
11			Супер стомп, 33% эм.к.	3,0 л/га	93,8	95,7	94,5	94,7	623	624	629	625,3
12			Супер стомп, 33% эм.к.	6,0 л/га	93,6	92,8	94,7	93,7	614	615	620	616,3
13		Ўсув даврида (2-3 барг чиқарган вақтида)	Гербицидсиз (назорат)	-	33,5	34,8	32,7	33,7	187	187	192	188,7
14			Миладар дуо к.с. (эталон)	1,2 л/га	98,0	97,4	94,8	96,7	619	619	624	620,7
15			Элюмис 105	1,0 л/га	97,9	101,7	99,4	99,7	624	624	629	625,7
16			Элюмис 105	2,0 л/га	100,1	98,5	97,5	98,7	622	622	627	623,7

қарши Элюмис 105 гербициди 1,0-2,0 л/га меъёрларда қўлланилган 7-8 вариантларда ҳосилдорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинганида, дон ҳосилдорлиги ўртача 101,3-100,3 ц/га ни, силос ҳосилдорлиги 630,3-625,7 ц/га ни ташкил этиб, бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилмаган назорат 5-вариантга нисбатан дон ҳосили 67,0-66,0 ц/га, силос ҳосили 440,0-435,4 ц/га юқори бўлганлиги кузатилди.

Маккажўхорининг тезпишар Кубанская консервная-148 нави ўсимлигининг 2-3 барг чиқариш даврида бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилмаган назорат 13-вариантда етиштирилган ҳосил аниқланганида дон ҳосили 33,7 ц/га, силос ҳосили 188,7 ц/га ни кўрсатган бўлса, 2-3 барг чиқариш даврида бегона ўтларга қарши Миладар дуо к.с. (эталон) гербициди 1,2 л/га меъёрида қўлланилган 14-вариант таҳлил қилинганида дон ҳосилдорлиги 96,7 ц/га, силос ҳосилдорлиги 620,7 ц/га тенг бўлиб, гербицид қўлланилмаган назорат 13-вариантга нисбатан 63,0 ц/га дон ва 432,0 ц/га силос ҳосилдорлиги, маккажўхори ўсимлигини 2-3 барг чиқариш даврида бегона ўтларга қарши Элюмис 105 гербициди 1,0-2,0 л/га меъёрларда қўлланилган 15-16 вариантлар



Ўрганилганида дон ҳосилдорлиги 99,7-98,7 ц/га, силос ҳосилдорлиги мос равишда 625,7-623,7 ц/га ни ташкил этиб, бегоан ўтларга қарши гербицид қўлланилмаган назорат 13-вариантга нисбатан 66,0-65,0 ц/га дон ва 437,0-435,0 ц/га силос ҳосили қўшимча сифатида олинганлиги қайд этилди.

Вариантларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича олинган натижалардан кўриш мумкинки, ҳар икки навда ҳам назорат вариантга нисбатан бегона ўтларга қарши гербицид қўлланилган вариантларда юқори натижалар олинганлиги кузатилган. Олинган маълумотларга кўра уруғларни экиш билан бирга гербицид қўлланилган вариантлар ичида юқори натижа Супер стомп, 33% эм.к. гербицидини гектарига 3,0 литр меъёрида қўлланилган вариантда кузатилиб, гербицид қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан 63,0-63,7 ц/га дон ва 430,7-427,0 ц/га силос ҳосили қўшимча сифатида олинган бўлса, маккажўхори ўсимликларини 2-3 барг чиқариш даврида бегона ўтларга қарши гербицид қўллаш фонидида юқори натижа Элюмис 105 гербицидини гектарига 1,0 литр меъёрида қўлланилган вариантлардан олинди, гербицид қўлланилмаган назорат вариантга нисбатан дон ҳосилдорлиги 67,0-66,0 ц/га, силос ҳосилдорлиги 440,0-437,0 ц/га юқори бўлганлиги қайд этилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Атабаева Ҳ., Қодирхўжаев О. Ўсимликшунослик // Дарслик, Тошкент-2006,
2. Ёрматова Д. Ўсимликшунослик // Дарслик, Тошкент-2002.
3. Худойкулов Ж.Б., Азизов Қ.К. ва бошқалар. Маккажўхори етиштириш // 100 китоб тўплами, 24-китоб. “Агробанк” АТБ – 2021.
4. Булгаков Г.С. Применение гербицидов и их роль в технологии возделывания клеццины // Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук. Краснодар, 1984,
5. Комилова Д.К., Комилов К.С. Такрорий экилган маккажўхорининг ўсиши ва ривожланишига тупроққа ишлов бериш усулларининг таъсири // LIFE SCIENCES AND AGRICULTURE илмий журнали, №1 (5) сон, 2021.

